O‘zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Jomboy tumani
HOKIMI
QARORI

РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
Джамбайского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

2020 y.г. «11» сентябр № 698-к **Jomboy t., – г. Джамбай**

Жомбой туман А.Қурбонов МФЙ худудидан “Jomboy Fruits” ишлаб чиқариш кооперативига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиш учун вақтинчалик замонавий типда “Енгил конструкцияли савдо майдончаси” қуришга рухсат бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июнъдаги “Аҳоли томорқаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4767-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги 2020 йил 08 июльдаги 870007-сонли гувохномасини “**Jomboy Fruits**” **ишлаб чиқариш кооперативи** томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиш учун вақтинчалик замонавий типда “Енгил конструкцияли савдо майдончаси” қуриш учун ер майдони ажратиб бериш тўғрисидаги хатини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6, 20-моддаларига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июнъдаги “Аҳоли томорқаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4767-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. “Jomboy Fruits” ишлаб чиқариш кооперативига Жомбой туман А.Қурбонов МФЙ худудида жойлашган қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган туман ҳокимлиги захира фонди хисобидаги ер майдонида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиш учун вақтинчалик замонавий типда 100 кв.метр ер майдонида вақтинчалик 10 (ўн) йил муддатга замонавий типда “Енгил конструкцияли савдо майдончаси” қуришга рухсат берилсин.

3. “Jomboy Fruits” ишлаб чиқариш кооперативи зиммасига:

ер участкаларидан фойдаланиш, шаҳарсозлик, табиатни мухофаза қилиш, ёнғинга қарши талаблар, шунингдек, санитария нормалари, қоидалари ва гигиена нормативларига риоя этиш;

белгиланган тартибда ҳудудларни ривожлантириш ҳамда бошқа шаҳарсозлик ҳужжатлари талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш;

енгил конструкцияли шахобчани қуриш ва ўрнатишда шаҳарсозлик хулосасида қайд қилинган талаблар ва бошқа нормалар ҳамда қоидаларга риоя

келгуси фаолият даврида шу ҳудудда ободонлаштириш ишларига доимий эътибор қаратиш, қўшни мулк эгалари манфаатларига зиён етказмаслик ва уларнинг тинчлик осойишталигини бузмаслик;

енгил конструкцияли шахобчани 10 кун муддатда қуриш ва ўрнатиш вазифалари юклатилсин.

4. Мазкур ер участкасидан белгиланганидан бошқа мақсадда фойдаланилганда хамда рухсатсиз ҳар қандай қурилиш-таъмирлаш ишларини олиб борилган тақдирда Ер кодексининг 36-моддасининг 6-бандига мувофиқ ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини бекор қилиш белгилансин.

5. Туман бош архитектори И.Рашидов, туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи Ж.Турсуновларга мазкур ажратилган ер майдонини жойининг ўзида натурада кўрсатиб ўлчаб бериш ва қурилиш ишларини архитектура ва шаҳарсозлик қоидаларига риоя қилиши юзасидан доимий назорат ўрнатиш вазифаси топширилсин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосарлари Х.Хамраев, А.Икромов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Қ.Собиров**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYATI JOMBOY TUMAN HOKIMI
DEVONXONA